

Мавлоно Лутфий - ўзбек халкининг улуг мутафаккири, атокли намояндаси, жахон адабиёти ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг ривожланишига ўзининг беминнат хиссасини қўшган, ўзбек ва форс-тожик тилларидаги асарлари билан Шарк адабий мухотида чуқур из қолдирган, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг таъбирича замонасининг машхур «Малик ал-калом»и , яъни «Сўз подшоси» номи билан шухрат қозонган етук аллома.

### Таржимаи хол

Шоирнинг хаёти ва ижоди хақида замондошлари Давлатшоҳ Самарқандий, Шамсиддин Сомий, Хондамир, Абдулла Кобулий каби тазкиранависларнинг асарларида муҳим қайд ва мулоҳазалар учрайди. Хусусан, Лутфийни яқиндан билган, у билан устоз ва шогирдлик рутбаси билан боғланган Алишер Навоий асарларида келтирилган маълумотлар гоят қимматлидир.

Шарк адабиёти тарихида Лутфий таҳаллуси билан асарлар яратган ижодкорлар қўпгина бўлиб, «Комус ул-аълам» асарида улардан айримлари санаб ўтилган. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий билан яқин мулоқотда бўлиб, ўзининг асарлари билан Хуросон ва Мовароуннахр адабий мухотида чуқур из қолдирган Мавлоно Лутфий «Малик ал-калом», яъни «Сўз подшоси» (Алишер Навоий) унвони билан шухрат қозонди.

Лутфуллох Лутфий - Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» аса-рида гувоҳли беришича 99 йил умр кўрган. Шоирнинг замонига оид манбалардаги маълумотлар асосида унинг таваллуд санаси 1366 йил деб кўрсатилган. Лутфий бошланғич таҳсилдан кейин мадрасаларда ўз даврининг дунёвий ва шариат билимларини чуқур ўрганади. Сўнгра эса тасаввуф бобида малака ҳосил қилишга киришади.

Бу ҳақда Алишер Навоий қуйидагиларни қайд этади: «Мавлоно йигитлигида улуми зоҳирийни такмил қилгондин сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний қошида сўфия тариқатида ҳам сулук қилгондур». Шаҳобиддин Хиёбоний ЎЗ даврининг кўзга кўринган мутасаввуф шайхларидан бўлиб, унинг «Қуръони қарим»га ёзган шарҳлари ҳам мавжуд эди. Лутфий ана шу алломадан тасаввуф таълимини олиб, кенг ва чуқур билим соҳиби бўлиб етишди. Лутфий асарларидан шу нарса маълум бўладики, у Абу Али ибн Синонинг «Қонун» ва «Аш-Шифо» асарларини чуқур ўзлаштирган.

Лутфийнинг ёшлиқ йиллариданок адабиётга бўлган катта қизиқиши алоҳида кўзга ташланиб турар эди. Бўлажак шоир ўзигача бўлган туркий тилдаги адабиёт билан бир қаторда форс ва араб адабиётларини ҳам кунт билан ўрганади. Унинг Хофиз, Камол Хўжандий ва Насимий меросларига рағбати айниқса катта эди. Амир Темур давридан бошлаб Хуросон ва Мовароуннахрда рўй берган сиёсий марказлашув самараси ўларок шаклланган адабий мухит Лутфийни ҳам ўз майдонига тортди.

Унинг газаллари оғизга тушиб, мушоираларнинг ва адабий суҳбатларнинг мавзуга айланди. Оддийгина хаёт тарзига ўрганган, дарвишларга хос хокисорлик билан

мўътабарлик касб этган бу шоирнинг шеърлари чуқур фикрларни содда сўзлар ёрдамида юкори бадий бўёқларда ифодалай олиши билан ажралиб турар ва шеърлари шу жихати билан Навоий ва Жомий каби адабиёт хомийларининг диккат-эътиборини козонган эди.

Мавлоно Лутфийдан бизгача салмоқлигина адабий мерос етиб келган бўлиб, унинг катта қисмини лирик асарлар ташкил қилади. Лутфийнинг лирикадаги серкирра ижоди хақида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида қуйидагиларни ёзади: «Мавлоно Лутфий ўз замонасининг «Маликул-калом»и эрди. Туркий ва форсийда беназир эди, аммо туркийда шухрати кўпроқ эрди ва туркча девони машхур». Шоирнинг форсий тилдаги асарларини тўплаб девон тузгани бизга маълум бўлмасада, унинг бу тилда ҳам катта маҳорат билан ижод қилганлигини замондошлари муносиб баҳолаган эдилар.

Лутфийнинг адабий мероси орасида дostonлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шулардан бири 1411 йилда яратилган «Гул ва Наврўз» дostonидир.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Лутфийнинг бизгача етиб келмаган «Зафарнома» деб номланган дostonи тўғрисида шохидлик беради ва ёзади: «Мавлононинг «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдан ортиқроқ маснавийси бор. Баёзга ёзмоғони учун шухрат тутмади». Лутфий ижодининг тадқиқотчилари юкорида қаламга олинаётган «Зафарнома» таржимасининг манбаи Шарафиддин Али Яздийнинг форс тилида яратилган Амир Темур хаётига оид «Зафарнома» асари эканлигини қайд этадилар.

Шундай экан, Лутфий ўз даврида авлодлар учун гоят ахамиятли бўлган бир мавзуга қўл урган ва Али Яздийнинг тарих ва хотира услубида ёзилган асарининг туркий тилдаги поэтик намунасини яратган. Профессор Е.Э. Бертельс шоир бу маснавийни Фирдавсийнинг «Шохнома»си услубидаги қахрамонлик асари сифатида режалаштирган бўлиши керак деб айтади. Лекин қандайдир сабабларга қўра шоир уни окка қўчирмаган. Навоий ҳам уни «окка қўчирмагани («баёзга ёзмоғони учун») учун шухрат тутмади» деб айтади.

Шарқ маданияти тарихига оид манбаларда Лутфийнинг ахлоқ-одоб мавзуида «Машкун ул-хақойик» номи билан ҳам асар яратганлиги эсланади. Хутанлик Мулла Исматулланинг «Тарихи мусикиюн» асарида Лутфийнинг мусика тарихи билан ҳам шугулланганлиги, қуйлар басталаганлиги қайд этилади. Қарийб юз йил умр қўрган даҳо шоирнинг ижод қамрови ҳам ранг-баранг бўлганлиги, хусусан, бадий адабиёт соҳасида қўп ишларга улгурганлиги шубҳасиздир.

Лутфийнинг она тилидаги лирик асарларидан иборат девони ўз давридаёқ Хуросон ва Мовароуннаҳрдан ташқари туркий тилда сўзлашувчи қўпгина ўлкаларга ҳам қириб борган эди. Кейин бу ҳудуд янада қенгайиб борди. Шоир девонининг Республикамиздан ташқари қўпгина мамлакатлар қутубхона хазиналарида сақланаётган қўлёзмалари шундан далолат беради.

Республикамизда Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида

Лутфий девонининг ўнлаб нодир нусхалари сақланади. Ушбу манбалар девоннинг Лондон ва Париж нусхалари билан киёсий-танкидий ўрганилиб, шоирнинг катор «Сайланма» нашлари яратилди. 1987 йилда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Лутфийнинг «Сенсан севарим» номли тўплами сўнгги ўн йилликда нашр этилган девонидир.

Девон Шарк шеърятининг етакчи жанрларидан бўлган газал, рубоий, туюк китъа ва фардларни ўз ичига олади. У одатдагидек, хамд ва наът шеърлари билан бошланади. Девоннинг деярли кўп нусхаларида Шохрух Мирзо номига ёзилган касидага кўзимиз тушади. Айрим нусхаларда эса Темурий шахзодалар: Бойсункур Мирзо, Искандар Мирзо номига багишланган касидалар ҳам учрайди.

Лутфий девонидан ўрин олган лирик асарларнинг етакчи темаси — ишқдир. Шу ишқ инсоннинг зохирий ва ботиний оламини ойна бўлиб акс эттиради. Биз бу асарларда ишқнинг дунёвий талкинларини ҳам юксак санъат билан акс эттирилганлигини кузатамиз. Навоий ўзининг «Манокиби Пахлавон Мухаммад» асарида Лутфийни «зохир аҳди шуароси», яъни дунёвий мавзулар талкинида махорат кўрсатган шоир сифатида алоҳида характерлайди. Шоир лирикасида анча кенг ўрин тутган дунёвий мавзулар, айти пайтда, диний-тасаввуфий мавзулар билан уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб келади. Шу тарзда улар мажоз ва хақиқат бирлигини ташкил килади.

Аллох ўзи яратган мавжудот ва махлукотлар орасида инсонни энг мўътабар поғонага кўтарди. Унга ўз ўрини берди. Инсон шунинг учун ҳам азиздир. У хусн бобида ҳам «мазъари сунъи илоҳдир». Одам шу қадар буюк моҳиятки, Аллох, унинг юзида ўз аксини кўради.

Шоир асарлари унинг ўша даврда кенг тарқалган тасаввуф гоёлари таъсирида бўлганлигидан далолат беради. Аллох дунёни мукамал гўзаллик тимсоли сифатида яратган, шу гўзаллик оғушидаги одамнинг борлиқни идрок этиш туйғуси, мухаббат хисларининг устиворлиги, атрофни ўраб турган жамоат ва наботот олами билан алоқасини энг гўзал фазилатлари сифатида кашф этган. Лекин ҳаётда ҳамма нарса муваққат, у узлуксиз ҳаракатда.

Табиат фасллари каби одам умрининг фасллари бир-бири билан алмашилиб туради. Шунга кўра ҳам Лутфийнинг газаллари марказида турган қахрамон ҳаётининг Аллох инъом этган барча гўзалликларини, неъматларидан баҳрамандлик туйғуси билан яшайди. Шоир лирик қахрамонини навбахор келиши билан чаманларнинг гурқираб кетиши, гул фаслининг таровати мафтун этади. У шу чаманда «сарвиқид гули хандони»ни излайди.

Шоир лирикасида ҳаёт завқлари, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиши, шодлик ва тарона оханглари билан бир каторда инсон қадрияти ва унинг орзу-умидларини оёқ ости қилувчи «кажрафтор чарх», «сергина фалак», «жаҳолатпеша одамлар»дан озурдахоллик қайфиятлари ҳам юз кўрсатади. Бундай тасвирларда шоир ўзини ўраб турган ҳаётга ҳар жихатдан яқинлашиб боради. Лутфийнинг ҳамиша яхшиликка умидвор бўлган ошиқ нидоларини ўз ичига олган шох байтларидан ўрин олган.

Йўк турур ёлгўз бу Лутфий жонига жаври ракиб,  
Кайда бир доно дурур ул жаври нодон тортадур.

Лутфийнинг ўзига хос катта махорати ҳам дастлаб, бир томондан каламга олинаётган барча мавзуларни кулай очиб берадиган поэтик образлар воситасида тасвирлаш билан китобхонлар калбига йўл топишидадир. Услуб соддалиги, ифодаларнинг халконалиги, шеър вазнининг халк кўшикларига якинлиги Лутфий лирикасининг муваффақиятини таъмин этган иккинчи муҳим омилдир.

Лутфий газаллари арузнинг ранг-баранг тармоқларида ёзилган ва улар аксар холларда хажм жихатидан жуда ихчамдир. У ўз газалларида арузнинг халк кўшикларига якин турган охангдор, ўлчовларини танлайди. Лутфий шеърларида халк урф-одатлари, маросим лавҳаларини тез-тез учратиш мумкин. Лутфий ЎЗ лирикасида халкнинг жонли сўзлашув тилидаги эркалаш, юпатиш, қарғиш, истехзо, қочирик ибораларидан махорат билан фойдаланади. Маъшуканинг жабру ситамларидан кўнгли озурда бўлган ошиқ ич-ичидан зорланиб айтади:

Лутфийни ким қарғади: «Ё раб, балога учра!» деб ким, сенингдек тош бағирлик дилрабога учради.

Лутфийнинг назмиётда халк мақолларидан истифода этиш бобидаги санъаткорлиги айниқса юксакдир. Унинг рубоий, китъа, туюк ва фардларида киши рухий оламининг ранг-баранг лаҳзалари, ахлоқ-одоб мавзуларининг талқинлари асосий ўрин тутади.

Шоирнинг тўртликлари хақида сўз борар экан, унинг туюклари алоҳида диққатга сазовор. Кўпроқ туркий тилдаги шеърятга тааллуқли тажнисли (зулмаъниайн) сўзлар воситасида туюк яратиш санъати Лутфий шеърятда ёрқин ифодаланган деб айтиш мумкин. Унинг девонидан ўрин олган кўплаб туюклардаги нафис маъно товланишлари китобхонни она тилининг бой имкониятлари катламларига олиб қиради, уни хаёлга тортиб, эстетик завқ беради.

Мен сенинг илқингдин, эй дил, бандамен,  
Ва, қачон етгайман ул дилбандга мен,  
Бевафоларга мени қилдинг асир,  
Сен манга султонсан, эй дил, бандамен.

Алишер Навоий ЎЗИНИНГ «Мажолис ун-нафоис» асарида Лутфий-нинг туркий тилдаги шеърятда бўлгани қаби форсий ижодда ҳам «беназир эрди» деб ёзади. Лутфий, хусусан, форсий қасиданависликда ўз замонаси ижодкорларининг эътиборини қозонган эди. Навоий ёзади: «Мавлоно Лутфий форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур».

Навоий томонидан «Мажолис ун-нафоис» да қайд этилган бир неча парчаларнинг ўзи Лутфийнинг бу соҳадаги салоҳиятини кўрсатиб беради. Навоийнинг қайд этишича, умри охираб бораётган Лутфийнинг:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,  
Шоми зулфатро ба жои мох дарбар офтоб.

Таржимаси:

Сенинг тун каби сочингдан куёш сояда парвариш топадиган бўлди,  
Сочингдан таралган шом коралигини ой ўрнига куёш кўтармокда

матлали газалига замондош ижодкорлар кўплаб жавоб ёзганлар. Лекин уларнинг ҳеч бири Лутфий даражасида шеър айтолмаган.

Лутфийнинг Абдурахмон Жомийга ихлоси катта эди. У Жомийга «Сухан» радифли касида ҳам багишлаган. Умри охирида бошлангич байтинигина ёзишга улгурган «Афтад» радифли газалини тугаллаб, ўз девонига киритишини Абдурахмон Жомийга васият қилган. Жомий кекса шоирнинг бу васиятини адо этган, бугунгача Жомий девонида яшаб келаётган «Афтад» радифли газал икки буюк сўз санъаткорининг ижодий ҳамкорлигидан ёдгорлик сифатида кадрлидир.

Лутфийнинг форсий назмиётидаги мислсиз санъаткорлигини кейинги асрларда яшаган тазкиранавислар ҳам қайд этадилар. Акбаршоҳ замонида яшаган Абдулла Кобулий ўзининг «Тазкират ут-таворих» асарида Лутфий мероси ҳақида сўз очиб, «дар форси шеъри зебо ва касидаи гарро дорад» («форсийда гўзал шеърлари ва порлок касидалари бор») деб айтади.

Лутфий ўз даври адабий ҳаётида устоз сифатида катта мавкега эга эди. Кексайиб бораётган шоирнинг уйи кўпинча шогирдлар билан гавжум бўларди. Унинг яқин шогирдларидан бири Алишер Навоий эди. Навоий ЎЗ устози ҳақида гапирганда икки ўртадаги яқин инсоний муносабатларни ички бир ифтихор билан тилга олади. Навоий Лутфийдан назмиётнинг сиру синоатлари бобида кўп нарсани ўрганди. Устоз шеъриятига бўлган катта эътиқод билан унинг «Лайлатул меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур», «Кўкдадур ҳар дам фиғоним кўргали сен мани», «Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами» мисралари билан бошланувчи газалларига мухаммаслар боғлади.

Унинг устозни «Эй жамолинг лахзолу бебадал хуснунг жамил», «Эй кадинг тубийи жаннат хиди гулгун устина» мукдадимали газалларига мусаддаслари ҳам мавжуд. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ўзигача ва ўзига замондош бўлиб яшаган туркийгўй шоирлардан фақат Лутфий газалларигагина мухаммас ва мусаддаслар боғлаган.

Лутфий 1465 йилда ЎЗ манзилгоҳи бўлган Дехиканорда вафот этган. Навоийнинг хабар беришича, Мавлононинг қабри ҳам ўша ердадир.

Кейинги асрларда Лутфий махоратининг таъсир доираси тобора кенгайиб борди. Фузулийнинг Лутфий газалларига кўплаб назиралари, қатор мухаммаслари маълум. Машраб Лутфийнинг «хох инон, хох инонма» радифли газалининг матлаидан тазмин нули билан фойдаланиб, бутун бошли янги бир газал яратган.

Лутфий газалларига мухаммаслар боғлаш Мунис, Огахий, Равнак ва Амирий ижодларида ҳам учрайди. Шу йўналишда бизга замондош бўлиб яшаган Чархийнинг ҳам манзур мухаммаслари бор. Шоир газаллари маком ва халқ куйлари билан ижро этилади. Уларга замондош бастакорларимиз ҳам куйлар ёзганлар. Лутфий девони ва ундан сайланмалар Ўзбекистонда бир неча бор, сўнг Туркия ва Шарқий Туркистонда ҳам чоп этилган. Шоир

## Лутфий

Муаллиф:

31.05.2013 11:26 -

---

газалларининг рус ва бошқа тилларга таржима килингани маълум.

Лутфийнинг бой бадий мероси адабиётшунос олимларимиз томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда, у ҳақда катор тадқиқотлар яратилди. Бу ўринда дастлаб Заки Валидий, Е. Э. Бертельс, Ходи Зариф, А. Хайитметов, Э. Рустамов, шунингдек, Ё. Исмоков, Х.Расулов ва Э. Ахмадахўжаев каби олим-ларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Республикамизда шоир номи билан аталган кўча, мактаб ва кутубхоналар унинг хотирасига абадийлик бахш этиб келмоқда.